

КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ

2014 йил "18" июл

№ 109

Самарканд ш.

Ўз Устави асосида иш юритувчи Мотисб фермер хўжалик (келгусида "Кафил" деб юритилади) номидан раҳбари Е. Шўрақув бир томондан, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг Компанияси Устави, Филиал тўғрисидаги Низом ва Компания томонидан 2013 йил "03" январда берилган 07-сонли ишончномага мувофиқ Компаниянинг Самарканд вилоят филиали (келгусида "Лизинг берувчи" деб юритилади) номидан филиал директори А.С.Ғаффоров иккинчи томондан ва Ғайбарий туманидаги "Ғайбарий агро-газо" Ф/Х (келгусида "Лизинг олувчи" деб юритилади) номидан Хўжалик раҳбари Ғайбарий учинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг моҳияти

1.1. Кафил, Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида 2014 йил "18" июл да тузилган 014108-4-4044 сонли лизинг шартномаси (келгусида "Лизинг шартномаси" деб юритилади) бўйича Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Лизинг берувчи олдида лизинг тўловлари, пеня ва бошқа зарарларни тўлаш бўйича Лизинг олувчи билан биргаликда солидар (баравар) жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.2. Кафиллик суммаси 125 000 000,0 (Бир юз йилмиш миллион тенг) сўмга тенг.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Кафилнинг ҳуқуқлари:

2.1.1. Лизинг олувчининг Лизинг берувчи олдидаги тўлов мажбуриятларини бажарган тақдирда, Лизинг олувчидан ўз харажатларини тўлашни талаб қилиш.

2.1.2. Исталган вақтда Лизинг олувчидан унинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотни талаб қилиб олиш.

2.1.3. Лизинг шартномасининг нусхасини ва тўланган лизинг тўловлари тўғрисидаги маълумотларни Лизинг олувчидан ёки Лизинг берувчидан талаб қилиб олиш.

2.1.4. Лизинг берувчининг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйиш ва ўзига нисбатан даъво қўзғатилган тақдирда Лизинг олувчини иш жараёнига жалб этиш.

2.2. Кафилнинг мажбуриятлари:

2.2.1. Лизинг олувчи кафиллик билан таъминланган мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Лизинг берувчининг билдиришномасини олгач, 3 (уч) иш куни ичида Лизинг олувчи томонидан ўз муддатида ижро қилинмаган пул мажбуриятларини Лизинг берувчига тўлаб беради.

2.2.2. Банкдаги ҳисоб рақамлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва юридик манзили ўзгарган тақдирда Лизинг берувчини дарҳол расман хабардор қилади.

2.2.3. Ушбу шартнома асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганда, кечиктирганда ёки бажаришдан бош тортган тақдирда мулкый жавобгар бўлади.

2.3. Лизинг олувчининг ҳуқуқлари:

2.3.1. Кафилга нисбатан даъво қўзғатилганда суд жараёнида иштирок этиш.

2.3.2. Кафиллик шартномаси асосида қўзғатилган даъвони кўриб чиқиш жараёнида Лизинг берувчига нисбатан талаб ва эътирозларини билдириш.

2.4. Лизинг олувчининг мажбуриятлари:

2.4.1. Кафиллик билан таъминланган мажбуриятни тўлиқ бажарган тақдирда бу ҳақда Кафилни дарҳол хабардор қилади.

2.4.2. Кафил унинг мажбуриятларини Лизинг берувчи олдида бажарган тақдирда, Кафил томонидан тўланган суммани ва кўрилган барча зарарларни тўлаб беради.

2.4.3. Кафилнинг талаби билан, унга ўз молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотномаларни тақдим қилади.